

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVTRASIDA

№ 30 (376)
2019 - yil
25 - iyul
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqarib boshlagan.

«ТИРИКЧИЛИК УЧУН ЗАРУР ЭНГ КАМ МИҚДОР» ҲОЗИР ҚАНЧА?


3-бет



Бир ойлик харажатлар

Ўрта оиласи - 400 миля
Бизнинг оиласи - 185 миля
Ўрта оиласи, яхши тарбияланган - 150 миля
Нажарат
Ўрта оиласи - 300 миля
Қишлоқ оиласи - ???
Ўрта оиласи

Тирикчилик учун 800 минг сўм



ҚАРИНДОШГА «ишонч» керакми?

2-бет



Давлат аҳолидан 300 млрд. **ҚАРЗДОР**

2-бет



Қурилиш ўчоғида **ҚОЛАЁТГАНЛАР**

3-бет

ҚАЛБ ЖАРОҲАТИ ёхуд тушдаги синоат

8-бет



НИКОЛАЙНИНГ ПОЕЗДИ...

Хорижга ишлагани кетаётганлар дарди

4-бет

«БОЗОРИ ЧАҚҚОН» қизлар... Муаммо нимада?

5-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА ЯНГИ ТИЗИМ

«**Ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари 70 фоиз вақтини ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга сарфлаши керак». Президент Шавкат Мирзиёев 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу фикрларни алоҳида қайд этди.**

Йиғилишда асосий эътибор ҳанузгача учраётган муаммоларнинг ҳал этишга қаратилди.

Барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари фаолиятига янги ташкил этилган ёки фаолияти қайта тикланган кичик корхоналар ва уларда яратилган иш ўринлари сонидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериб, рағбатлантириш бўйича янги тизим жорий этиш вазифаси қўйилди.

Баҳо беришда корхоналарнинг яшовчанлик кўрсаткичи асосий мезонлардан бири бўлиши кераклиги белгиланди. Яъни, ташкил этилаётган корхоналарнинг камида 50 фоизи кейинги 3 йил давомида ишласа, ҳоким ва унинг тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари раҳбарларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлигига ушбу янги тизимни жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Сирдарё вилоятига ўтган ҳафтадаги ташрифи доирасида Ховос туманида «Тадбиркорлик ҳудуди»га айлантириш бўйича таклиф этилган ташаббусни амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Иктисодиёт ва саноат вазири бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи ҳар бир тумanning салоҳиятидан келиб чиқиб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши зарурлиги қайд этилди. Ушбу таклифлар асосида тадбиркорларга уларни амалга ошириш, кредит, ер ва бино ажратиш, инфратузилмага

улаш каби барча масалаларда кўмаклашилади.

Йиғилишда тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо – лойиҳаларни жойлаштириш учун ер ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:
«**Барча ҳокимларни қатъий огоҳлантираман – асосли зарурат бўлмаган ҳолда тадбиркорларга тегишли мол-мулкни бузишга умуман йўл қўйилмаслиги зарур ва шарт!**»

Бу тизим ҳанузгача очиқ-ошкора ишламаётгани кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, 3 минг 500 гектар майдон «Ер-электрон» ахборот тизимига тақдим этилган бўлса-да, шундан 1 минг 300 гектари ёки 37 фоизи савдога қўйилган, холос.

Шу боис, мутасаддиларга ер ажратиш масаласини идоралар билан келишиш, бинони рўйхатдан ўтказиш жараёنларини тубдан соддалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишнинг яхшилаш ва ажратилаётган кредитлар самардорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирда кредит олиш истагидаги тадбиркорнинг мурожаати 3 босқичда, яъни туман – вилоят – республика даражасида кўриб чиқилади. Банкнинг марказий идораси розилик бермаса, тадбиркор кредит ололмайдди. Оқибатда бу жараён айрим ҳолларда ойлаб чўзилиб кетяпти.

Шу боис, банкларда кредит

ажратиш масалаларини бир ва икки поғонага ўтказиш, 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар ўрнига 10-15 нафар штатдан иборат ихчам банк хизматлари марказларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбиркорларнинг кредит фойз ставкаларига оид фикрлари муҳокама қилинар экан, кредитлар бўйича қафолат бериш ва фойзаларни қисман қоплаш мақсадида ташкил қилинган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини кучайтириш муҳимлиги айтилди.

Тадбиркорларнинг бино-иншоотларини бузиш ва бунинг учун компенсация тўлаш борасида тизимли ёндашув йўқлиги танқид қилинди.

Албатта, жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари давомида айрим биноларнинг бузилиши табиий ҳол. Бироқ, аҳоли пунктларини истиқболда ривожлантириш режаларини ҳисобга олмасдан, катта ҳудудларда жойлашган иншоотлар бузиб юборилаётгани оқибатида жуда кўп миқдорда компенсация тўловлари келиб чиқмоқда. Ҳокимликлар бузиладиган биноларнинг ўрнида янги корхоналарни қуриш бўйича инвесторларни топиб, компенсация тўловни уларнинг ҳисобидан тўланишини таъминламаётгани сабабли ушбу харажатлар давлат бюжети зиммасига тушмоқда.

Адлия ва молия вазирликлари, Савдо-саноат палатасига Бизнес-омбудсман иштирокида мол-мулкни бузиш ва компенсация тўлаш тартибларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф киритиш вазифаси қўйилди.

Ҳозирда ушбу соҳада мурожаат этган фуқароларнинг масалалари ижобий ҳал этилиб, яқиний ишлар оlib борилмоқда. Аҳолини қийнаётган кейинги масала бу – ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарлар ўрнатилган тартибда қопланмаётганидир. Мазкур масалада энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Наманган вилоятларига, энг кам эса Навоий вилоятига тўғри келди.

Ҳозирда ушбу соҳада мурожаат этган фуқароларнинг масалалари ижобий ҳал этилиб, яқиний ишлар оlib борилмоқда. Аҳолини қийнаётган кейинги масала бу – ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарлар ўрнатилган тартибда қопланмаётганидир. Мазкур масалада энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Наманган вилоятларига, энг кам эса Навоий вилоятига тўғри келди.

Лойиҳа

ИШОНЧНОМА БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

1 октябрдан машина бошқариш учун яқин қариндошлар ўртасида ишончнома бериш тартиби бекор қилинадими?

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама маслиҳатларида «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Лойиҳада нотариат институтини такомиллаштиришга оид катор янгиликлар ўрин олган.

Жумладан, қуйидаги битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилиниши режалаштирилмоқда:

2019 йил 1 октябрдан – транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан

фойдаланиш тўғрисидаги ишончномани;

2020 йил 1 январдан – юридик шахсларнинг, хусусан банк ва бошқа кредит ташкилотларининг қорхонани ижарага, текин фойдаланишга бериш, янги кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича лизинг, гаров (ипотека) шартномаларини. Бунда, гаров (ипотека) шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка таъкид қўйиш ва ечилиши ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил амалга оширади.

Мазкур лойиҳа тасдиқланса 2019 йил 1 октябрдан бошлаб автомобиль бошқариш учун яқин қариндошларни (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) суғурта полисида кўрсатишнинг ўзи кифоя бўлади, нотариусдан ишончнома олиш шарт бўлмайди.

Таълим

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА АСТРАХАНЬ ДИПЛОМИ

Ҳукумат қарори билан Астрахань давлат техника университети (Россия Федерацияси)нинг Тошкент вилоятидаги филиали ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, баликчилик тармоғи эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш ва энг муҳим илмий-тадқиқот вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш Филиалнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Филиал Бош муассаса томонидан таъсис этилади ва

кадрларга бўлган талабдан келиб чиқиб асосий бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича мутахассислар, жумладан, илмий-педагог кадрларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади.

Филиалда сув биоресурслари ва аквакультура, экология ва табиатдан фойдаланиш, балик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси, баликчилик ҳужалиги иктисодиёти бўйича кадрлар тайёрланади.

Филиалнинг таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади.

БИЛАСИСМИ?

Болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳафтининг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб қўриш учун давлат музейларига бепул киритилади. Миллий музей фонди таркибига давлат мулки бўлган барча музей ашёлари ва музей коллекциялари кирди.

Ҳуқуқ

ҲУКУМАТ ФУҚАРОЛАРДАН 300 млрд. СЎМ ҚАРЗДОР

Бу бузилган кўчмас мулклар учун тўланмаган пул.

Адлия вазирлиги мулкка эгаллик ҳуқуқи соҳасидаги қонунбузарликлар тўғрисида маълум қилди. Республика бўйича бузиш ишларини амалга оширишда 600 млрд. сўмдан ортиқ компенсациялар тўланган, 300 млрд сўмга яқин қарздорлик мавжуд, деб ёзмада «Газета.uz».

Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан май-июнь ойларида фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини ўрганиш мақсадида мурожаатларни алоҳида қабул

қилиш ва кўриб чиқиш бўйича акция эълон қилинган эди. Ўтказилган акция доирасида 2 минг 586 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг кўп қисми жойида ҳал қилинди ва қаноатлантирилди.

Вазирлик матбуот хизмати-нинг хабар қилишича, мурожаатларнинг таҳлили фуқароларни асосан ноқонуний қурилган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи қийнаётганини кўрсатди. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан ҳукуматга таклифлар киритилди, натижада ҳукумат

томонидан тегишли ҳужжат қабул қилиниб, фуқароларни қийнаётган ушбу масалани ечиш бўйича аниқ механизмли қўшимча чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, бундай муаммоларнинг келиб чиқишига тегишли давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг масъулиятсизлиги билан бир ҳуқуқини эътироф этиш масаласи қийнаётганини кўрсатди. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан ҳукуматга таклифлар киритилди, натижада ҳукумат

Ҳозирда ушбу соҳада мурожаат этган фуқароларнинг масалалари ижобий ҳал этилиб, яқиний ишлар оlib борилмоқда. Аҳолини қийнаётган кейинги масала бу – ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарлар ўрнатилган тартибда қопланмаётганидир. Мазкур масалада энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Наманган вилоятларига, энг кам эса Навоий вилоятига тўғри келди.

Бузиш ишларини амалга оширишда 600 млрд. сўмдан ортиқ компенсациялар тўлаб берилгани ҳамда Тошкент шаҳри, Тошкент, Фаёна, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бузилган турар ва нотурар жойлар учун компенсация тўлаш бўйича 300 млрд. сўмга яқин қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер участкалари ўрнига бошқа жойлардан 359,2 гектар ер участкаси ажратиб берилган.

ШОШМАНГ, У ЕРДА ҲАЛИ ОДАМЛАР ЯШАЯПТИ

Тадбиркорнинг фаолиятига аралашшиш мумкин эмас, аммо бу тадбиркор ҳали одамлар яшаётган уйнинг айвонидан қурилиш бошлаши мумкин, дегани эмас!



Бугун кўп жойларда бўлгани каби Бухоро шаҳрида ҳам қурилиш авжида. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 5 мартда Ислом Каримов, Ибн Сино, Х.Т.Бухорий, Ж.Икромий, Ҳамза, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Муҳаммад Иқбол ва Зулфия кўчалари ораллигида жойлашган биноларни бузди, ўрнига замонавий савдо ва маиший кизмат кўрсатиш мажмуалари, кўп қаватли турар жой бинолари қуриш бўйича қарори қабул қилинган.

Яқинда вилоят эндохринология диспансерига бордим. Мазкур тиббиёт муссасаси шаҳримиздаги Ибн Сино кўчасида жойлашган. Ушбу кўчада олиб борилаётган қурилиш ишлари ёнидан бефарқ ўтишининг иложи йўқ. Қайсидир қурувчи кўп қаватли уйнинг том қисмини ёпаётган бўлса, қайси бири эса эски уйларни бузиш, ерларни текислаш билан овора. Катта юк ташувчи машиналар, кранлар тўхтовсиз ҳаракатда. Айнан шу кўчада «Lego stroy house» масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланган қурилиш диққатимизни тортиди. Чунки ушбу кўп қаватли турар-жой биносини қуриш учун мўлжалланган худуд аҳоли яшайдиган массивга жуда яқин эди. Одамлар яшаб турган хонадонлар билан бор йўғи бир метрлик масофа бор ҳолос. Катта қучланишга эга электр тоқининг ерда химояланмасдан очик ҳолда ётиши, у жойда болакайларнинг чопкиллаб ўйнаб юргани диққатимизни янада оширди.

Уша ерда яшаётган хонадон эгаларидан бу ердан қачон қўчиб чиқасизлар, дея сўраганимизда, «Бизнинг ховлилар кейинги босқичда бузилади. Олдин мана шу ёнимиздаги кўп-қаватли бинолар битказилади. Кейин навбат бизнинг уйларга етади, ўшангача шу ерда яшагача мажбурмиз», – деб жавоб беришди.

«Lego stroy house» МЧЖ қураётган

кўп қаватли бинонинг сурати ва телефон рақамлари ёзилган баннердан рақамларни олиб қўнғирок қилдик. Ўзини таништиришни ҳам истамаган киши саволларимизга шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари жавоб бериши мумкинлигини айтиб суҳбатни якунлади. Шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Ў.Жумаевга қўнғирок қилганимизда эса, кечки соат олтиларда Ибн Сино кўчасидаги қурилиш объектларида штаб ташкил қилинишини, ўзимизни кизиктирган саволларга ўша ерда жавоб олишимиз мумкинлигини айтди.

Штабда объектларда қурилиш ишларини олиб бораётган мутасаддилар, вилоят ва Бухоро шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди. Тўғриси айтганда, саволларимизга ўзимиз қутган жавобларни ололмадик. Улар фақат улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида гапиришдан нарига ўтишмади. Бу албатта яхши, лекин қурилиш ўчоғида қолган фуқароларнинг хавфсизлиги масаласи-чи? Қурувчилардан бири бундай бўлишига кўп қаватли уйларнинг лойиҳасини тузган лойиҳа институти айбдор деса, яна бири эса хавфсизлик масалаларига вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жавобгар деди. Хуллас, масала яна очиклигича қолди.

– Янги қурилаётган кўп қаватли уйлар лойиҳасини тайёрлаётганда бизга қанча кенглик ёки катталиқдаги объектлар худуди аниқ қилиб берилди. Биз ҳар қандай дўкон ёки хонадонлардан юли бўш худудни тасаввур қилиб у ерда янги бунёд этиладиган кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, машиналар турар жойи, болалар учун ўйингоҳлар лойиҳасини тайёрлаймиз. Ибн Сино кўчасидаги лойиҳа махсус комиссия экспертизаси-

дан ўтказилиб тасдиқланган. Агар хозир қайсидир объектдаги қурилиш аҳоли яшаш массивига яқин келиб қолган бўлса, унда биз айбдор эмасмиз, балки у ердаги аҳолини кўчириш ишлари бошқа мутасадди идора зиммасига тушади, – деди «Лойиҳа сув қурилиш» МЧЖ архитектори Наим Файзуллаев.

Вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси мутасаддилари билан айнан «Lego stroy house» МЧЖ томонидан қурилиш бошланган объектни бориб кўрганимизда, улар ҳам мазкур объектда шаҳарсозлик нормалари бузилганини тасдиқлашди.

– Ибн Сино кўчаси ёқасида 1-2-қаватлари савдо маиший шохобчаси ҳамда юқори қаватлари турар жой биноси бўладиган объектда шаҳарсозлик қонуности хужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмасдан, лойиҳа-смета экспертизадан ўтказилмасдан, қурилишни белгиланган тартибда вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекциясидан расмийлаштирилмасдан ҳамда объектнинг ён атрофида яшаб келаётган аҳоли уй жойларингача химоя масофасига риоя қилмасдан қурилиш (котлован қазити) ишлари бошланган. Қисқа муддатларда қонунларимизда белгиланганидек лойиҳа-смета хужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда назорат инспекциясидан расмийлаштирилмаса, «Lego stroy house» МЧЖ томонидан қурилиш бошланган бино лойиҳа хужжатларини расмийлаштирилишида совуққонлик билан қаралаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасидаги қонун ва қоидаларига риоя этилмасдан, эътиборсизликка йўл қўйилганлиги учун амалдаги қонунчиликка кўра чора қўрилиши ҳақида огоҳлантирдик, – деди вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси

масъул ходими Жалол Ҳайитов.

Шаҳар бедарвоза эмас. Катта шаҳарда ҳеч ким ўзича қимнингдир уйини йиқиб, янги қурилиш бошлолмаслиги кундай равшан. Тадбиркор юқори бир орган мутасаддисининг кўрсатмаси асосида қурилишни бошлагани аниқ. Бирок, негадир муаммоли вазият юзага келганда ҳеч ким ўзини намоён этишни истамапти.

Орадан бироз вақт ўтиб ушбу масала, яъни фуқаролар хавфсизлиги юзасидан бирор ижобий ишлар қилингандир, деган умидда шаҳар ҳокимлиги қурилиш ишлари бўйича мутахассисига қўнғирок қилдик. Афсуски, улар бизни тадбиркор фаолиятига тўқсинлик қилаётганликда айблаб, «Lego stroy house» МЧЖ раҳбарини қўрқитганимиз, у бу ҳақда вилоят ҳокимига мурожаат қилмоқчилигини айтиб бизга таҳдид қилишди.

Шу ўринда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун ва унда оммавий аҳборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти, ушбу қонуннинг асосий принциплари эса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш эканини эслатишни жоиз деб ўйлаймиз.

Тўғри, «Тадбиркор йўлига тўсик бўлиш, давлат сиёсатидаги хиёнат қилиш демакдир», дея Президентимиз айтган. Аммо бу гап зинҳор фуқаролар хавфсизлигини таъминламаган, уларнинг саломатлиги ва қонуний ҳуқуқларини поймол қилаётган «тадбиркорлар» ҳақида эмас. Биз фақат бирор фалокат юз бермасидан унинг олдини олайлик, қилинаётган бунёдкорлик одамлар ҳаётига таҳдид солмасин, демокчимиз ҳолос.

Наргиза ҚУВОНЧЕВА,
журналист

«ТИРИКЧИЛИК УЧУН ЗАРУР ЭНГ КАМ МИҚДОР» ҲОЗИР ҚАНЧА?

«Истеъмол саватчаси» нима ва ундан қандай мақсадларда фойдаланилади? «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор»ни белгилашда нималар ҳисобга олинади? Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Иктисодиёт ва саноат вазирлиги мутасаддилари ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишди.

Мутахассислар фикрича, «Истеъмол саватчаси» – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Албатта, бар-

ча фуқаролар овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим. Булар «Истеъмол саватчаси»ни бутлаш учун асос ҳисобланади. Энг кам иш ҳақи ва пенсиялар, базавий ижтимоий тўловлар, турли нафақалар миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлмоғи керак, дейилади *ЎзА хабарига*.

Одатда «Истеъмол саватчаси» аҳолининг учта асосий ижтимоий-демографик гуруҳи – меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш

нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар кунги истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлиги аниқланади.

Харажатлар стратегиясини

Иктисодиёт ва саноат вазирлиги Ботир ХўҲАЕВ:

«Истеъмол саватчаси» мажбурий равишда жорий қилинмайди!»

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида республикамизда «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «Истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлидан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш белгиланган.

Бирок бугунги кунгача бу тушунчалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмади, амалиётга жорий этилмади. Нера? – «Истеъмол саватчасини жорий этиш дунё тажрибасига кўра мажбурий равишда қилинмайди, – деди иктисодиёт ва саноат вазирлиги Ботир ХўҲаев. – Аввало, «хуфиёна иктисодиёт»ни қаммайтириш мақсадида «Истеъмол саватчаси» методологиясини ишлаб чиқдик. Бугунги кунда

Фаргона ва Тошкент вилоятларида эксперимент тариқасида ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. «Истеъмол саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор»ни амалиётга жорий этиш учун ташкилий масалаларни амалга ошириш лозим. Бундан сўнг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўришимиз керак.

«Ўзбекистонда «истеъмол саватчаси» деган тушунчани жорий қилиш таҳминан 2021 йилларга мўлжалланмоқда. Ҳозир ҳам «Истеъмол саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» тест тизимида синаб кўрилмоқда ва сўровномаларга кўра, улар 650 минг ва 800 минг сўмни ташкил қилади», дея вазирнинг сўзларини келтирмоқда *Kun.uz мухбири*.

«ПОЕЗДИНГИ ЖИЛДИРГАН... НИКОЛАЙ ЗАМБАРАГИ

Ўзбекининг дунё бўйлаб тарқаб кетган тўқсон икки уруғи ёхуд чет элларда ишлаш яхшими ёки ёмон?

Яқинда сўровларига гоҳида ишонса бўладиган «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнинг эътибор марказида Ўзбекистондаги миграция жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари ва сабабларини аниқлаш, фуқароларнинг миграцияга оид кайфиятини ўрганиш, меҳнат мигрантларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясизлик даражасини аниқлаш каби жиҳатлар бўлди.



Мазкур сўров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ўтказилди.

Ижтимоий сўров шунинг кўрсатдики, юрдошларимизнинг аксарият қисми (98,2 фоиз) Ватанимизни бутунлай тарқ этишни истамайди ва улар ўз келажагини ота юрти билан боғлайди. Шунга қарамадан, турли манбаларга кўра бугунги кунда 4 миллиондан 6 миллионгача айни кувватга тўлган ёшдаги фуқароларимиз меҳнат қилиш, ўқиш ва яшаш учун хорижга чиқиб кетган.

«Дангасалар...» эмас, фарзандларимиз

«Меҳнат мигрантлари борасида бизнинг позициямиз аниқ – одам қаерда бўлсаям ишлаши керак. Россия билан миграция борасидаги муаммолар 10-15 йилдан бери бизга азоб, ташвиш бўлиб келаётган эди. Нимага десангиз, бизнинг фарзандларимиз бизга ёқадими-ёқмайди ўша ерда ишлашга, уларнинг тинчлиги, осойишталиги бизга керак... Шунинг учун биз Россия раҳбарияти олдига ушбу масалани кўндаланг кўйдик: Худо хайрларининг берсин, бизнинг халқимиз сизларнинг иқтисодингизга хизмат қилган. Шундай экан, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси тинчлигини, соғлигини қафолатлайдиган шароит яратиб беринлар, дедик...»

Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш,

мукаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан бир парча.

Ҳа, кўз ўнгимизда меҳнат мигрантларига муносабат ўзгарди. «Баднафс», «ношукр», «дангаса» деб санаб келинган меҳнат мигрантларини мамлакат тепасига келган Шавкат Мирзиёев «фарзандларимиз» деб атади.

Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратилишига қатта эътибор берилётгани каторида, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув тасдиқланди. Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республикадан ташқарига чиқаётган фуқароларга 1000 АҚШ доллари эквивалентида кредит ажратиш, Россияга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни комплекс суғурта орқали химоя қилиш кўзда тутилди. Ҳукумат қарорларига кўра, хорижда ишлаган йиллар меҳнат стажига қилиши ва меҳнат дафтарида қайд этилиши ҳамда меҳнат мигрантлари ҳам тегишли тартибда қариганда нафақа олишига имкониятлар яратилди. Булар сезиларли ўзгаришлардир. Хуллас, муаммо тан олинди ва ҳуқуқий мезонга солинмоқда.

Бугун вазият қандай?

Маълумотларга кўра, ўзбекистонлик 14,6 миллион иқтисодий фаол аҳолининг ҳар тўртинчиси меҳнат мухожирдир. Хорижда меҳнат қилаётганларнинг 80 фоиздан зиёди Россияда ишлайди. Албатта, охириги йилларда бу оқимни бир қадар ривожланган мамлакатларга – Шарқий Европага, Туркия, Уммон султонилиги, Араб амирликлари, Япония томон йўналтиришга ҳаракат бошланган. Қолаверса, меҳнат мухожирларидан Ўзбекистонга юборилаётган пул ўтказмаларининг асосий оқими фақат битта мамлакатдан бўлиши бир мамлакатга қарамликни оширади.

UzAnalytics таҳлилига кўра, бунга сабабкор омиллар – Россия Федерацияси билан вазасиз режимнинг мавжудлиги ва тил тўсиқларининг йўқлиги. Шу туфайли Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари учун Россия энг яқин ва энг қатта меҳнат бозори бўлиб қолаётди.

Хорижга кетаётган куч ва... у ердан келаётган фойда

Сир эмас, чет элда ишлаётган ўзбеклар ватанларига – оилаларига ва яқинларига ҳар йили 5-7 миллиард АҚШ доллари миқдорига пул ўтказадилар. Мамлакатнинг пахтакорлари ва ёлланма ишчилари йил бўйи қилган меҳнати эвазига етиштириладиган пахтадан 1 миллиард ҳам фойда олмайди. Энди мигрантларнинг юрт иқтисодига фойдаси ҳақида хулоса чиқараверинг. Ўша хориждан келган миллиардлар иқтисодимизнинг бир томонини юритяпти – ахир у пулга соч олдиришса – сартарошнинг иши юришади, гўшт олинса – қассобга харидор топилади, музлатгич ё телевизор, автомобиль олса ёки қурилиш қилса – борингки, «Artel», ўзимизнинг автосаноат ёки қурилиш материаллари саноати ривожига хизмат қилади.

Буни биров эътироф этадими? Давлат статистика кўмитасининг 2018 йилда аҳолининг жами даромадлари тўғрисидаги ҳисоботида кўра, аҳоли жами даромадларининг 23,5 фоизини пул ўтказмалари ташкил этган. Иқтисодий ислохотларга, экспорт ҳажмини ошириш, иш ўринларини яратиш сазй-ҳаракатларига қарамадан, хорижда ишловчилардан юртга келаётган валюта ҳануз мамлакат валюта тушумида салмоқли улushi ташкил этмоқда.

**ҲАҚҚОНИЯТНИ АЙТГАНДА,
ҚАЧОНДИР ҲАММА ЎЗБЕК
ЮРТИДА ИШЛАШИ
ИМКONI БЎЛИШИ
МУМКИНИМИ? ШУНДАЙ
БЎЛИШИ КЕРАКМИ?**

Бу имконсиз ва бунга интилиш ҳам шарт эмас.

2019 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 33 миллион 523 минг 600 кишини ташкил этиб, йил бошидан буён 268 минг 100 нафарга ёки 0,8 фоизга кўпайган. Сўнгги беш йил ичида мамлакат аҳолиси йилга ўртача 540 минг кишига ортган. Бундай ўсиш суръати ва ҳозирги ишсизлик даражасида яқин эллик йилда мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли бўлган барча аҳолисини иш билан таъминлаш эҳтимоли ҳам йўқ.

Ўзбекистон Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ, 2019 йилда 370 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиши керак. Бу – орзу. Бундан ташқари мавсумий ва вақтинчалик ишларда 182 мингдан ортиқ аҳолининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Тасаввур қилинг, ҳар йили ярим миллионга кўпаяди аҳолимиз. Реал рақамларга қарасак, уларнинг ўндан бирига янги иш ўринлари яратилмоқда. Яқин ўн йилда қўпайиш суръати сақланганда ҳам олти-етти миллион одам дунёга келади. Ҳозир четда ишлаётган 5-7 миллионни қўшсак, 12 миллиондан зиёд кишига иш ўрни яратиш имкони борми?

Биринчидан, шунча ишчи ўрни яратиш учун астрономик миқдорда сармоя керак ва ҳар қадамда завод ва фабрикалар қурилиши шарт. Иккинчидан, Хитойнинг мислсиз ўсган иқтисодий оқибатлари экологияга эътибор зарурлигини кўрсатмоқда – ҳатто пойтахт Пекинда ҳам тутун ва захарли газлардан нафас олиш қийинлашмоқда. Жаннатмонанд юртимиз экологиясини адо қиламизми? Учинчидан, чегаралардан ўтиб-қайтиш енгиллашаётган бир шароитда ишчи кучи талаб қилинаётган давлатлардаги иш ўринларини эгаллаш, аҳолининг шунга иштиёқи ва имкони бор қисми хорижда ишлаши афзалдир. Улар сармоя келтиради, тажриба орттиради ва малакали, хориж тилини билган инсон бўлиб қайтади. Ўрганганлари асосида Ўзбекистонда бизнес

бошлайди ва замонавий технологияларни киритади.

Бунинг учун эса, биз уларнинг факат фарош ва мардикор эмас, юксак технологик корхоналарда ишлашини, ақлий меҳнат соҳаларига жойлашини йўлга қўйишимиз керак. Замонавий таълим масканларида уларни юксак билимли қилишимиз зарур.

Бунинг учун муайян ишлар қилинмоқда. Амалдаги қонунчилик мамлакатимиз фуқароларига дунёнинг бошқа давлатларида идоралараро ва ҳукуматлараро шартномалар бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурдаги Ташки меҳнат миграцияси бўйича агентлик ёрдамида хусусий шартномалар бўйича ишга жойлаш имконини беради, миграция жараёнларини бошқариш ва тартибга солиш бўйича зарур инфратузилма яратилган.

Дунё тажрибаси...

Ишчи кучи экспорти ва ишчи кучи импортига ихтисослашган давлатлар ҳам бор. Масалан, Америкадайд давлатни муҳожиралик бунёд этган. Филиппин, Бангладеш, Вьетнам каби қатор давлатларнинг иқтисоди эса асосан хорижда ишлаётганлар сармоясига асосидан шаклланади.

Яқинда АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси турли давлатлардан келиб Америкада яшаётган муҳожиралик қанча пул ишлаб топиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилди. «Forum Daily» нашрига кўра, энг катта маошини Австралиядан келган муҳожиралик олади: АҚШда уларнинг сони 93,5 мингга яқин бўлиб, уларнинг ҳар бири йилга ўртача 88 минг 100 доллар ишлаб топади. Саудия Арабистони ва Сомалидан келган муҳожиралик эса АҚШда энг кам маош олади – тегишли равишда 19 минг ва 19 минг 200 доллар, бу ҳам ойига 1500 доллар бўлади ва биз учун орзу ҳисобланади.

Филиппин Республикаси ишчи кучи импортига мослашган. Унинг аҳолиси йилга бир ярим миллиондан зиёда қўпаяди. Мамлакатнинг 10 миллион фуқароси доимий ташки меҳнат миграциясидадир. Меҳнат муҳожиралининг 60 фоиздан зиёди аёллардир. Чет элда ишлайдиганлар махсус тайёргарликдан ўтади, хорижда улар ҳуқуқий ҳимоя қилинади, бу соҳада давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Филиппинлик мардикорларнинг дунё давлатларидан ватанига жўнатиладиган маблағлари Ўзбекистоннинг давлат бюджетига тенгдир.

Дарвоқе...

1916 йилги Жиззах бўлғонига мардикор олиш сабаб бўлган. Халқ зўрлаб жўнатиладиган эди. Одамлар дарди охли кўшиққа ҳам айланган эди: «Поезднинг жиддирган... Николайнинг замбарағи» деган нолада шундай сатрлар бор эди:

*Девиска йўл бўлсин,
Қарагайзорнинг қул бўлсин,
Йигитларни қийнаган
Николайнинг йўқ бўлсин.
Тошкентнингиздан миниб,
Тўп остидан чиқдилар.
Оналари: «Вой, болам!» деб,
Кафан тўнин бичдилар...
Ўнг қўлида бир қассоб
Чўчқани сўди беҳисоб.
Бизни тўққиз ой ишлатди
Николай деган қон жаллоб...»*

Ҳозир Николайнинг юртига ўз ихтиёри билан бораётганларни «мардикор» эмас, «меҳнат мигранти» деймиз. Бизнинг ягона истегимиз, улар доимо давлатимиз ҳимоясида бўлсин ва Ўзбекистон фарзандлари эканини ҳис этсин.

Карим БАҲРИЕВ

ЎҚИГАН ҚИЗ КЎЧАДА ҚОЛМАЙДИ

Мени кўп йиллардан бери бир масала ўйлантиради. Кейинги йилларда олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талаба қизларимиз 2-3-курсдаёқ турмушга узатиламоқда. Табиийки, бу уларнинг дарсга қатнашига, фанларини ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, уларнинг ҳомилдорлик даври ўқиш вақтига ёқ диплом ёзиш даврига тўғри келиб қолса, нима бўлишини тасаввур қилинг. Бундай талабалар билимин баҳолашда ўқитувчи олдидан жиддий муаммолар юзага келади, чунки маъжуд қондаларга мувофиқ талабанинг ўзлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиши шарт.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида ўқиган қизларнинг «бозори» жуда чаккон бўлмаган. Айниқса, қишлоқ жойларда «бозор кўрган эчкидан кўрк» нақлига амал қилган айрим қимсалар шаҳарга бориб ўрта махсус ёки олий ўқув юртида ўқиётган, уларни битириб, иш бошлаган қизларни келин қилишни унчалик хоҳлашмасди. Уларнинг фикрича, ёшроқ, ўқимаган қизларни келин қилса, уларни йўлга солиши, айтганини сўзсиз бажаришга ўргатиш осон бўлармиш! Бундай дунёқараш мустақилликнинг дастлабки йилларида яна ҳам кучайди, жойларда ўрта мактабни энди тугаллаган, касб-хунар коллежидан энди ўқишни бошлаган, ҳаётнинг аччиқ-чучурига ҳам ақли етмайдиган энди қизларни турмушга узатиш ҳоллари кузатилди. Бошқача айтганда, қизнинг ота-онаси ўрни келганда қизни тезроқ эгасига топшириб ундан «қутулиш» ҳаракатига тушиб қолди. Шу ўринда мен раҳматли ота-онам тўрт нафар қизидан бирортасини ҳам олий ўқув юртини тугаллаб, иш бошламагунча турмушга узатмагани, унча келган совчиларга «фақат ўқиши тугагандан кейин йўлаб кўрамиз», деган лўнда ва аниқ жавоб берганининг гувоҳиман.

Кейинги йиллардаги қузатувлар шуни кўрсатадики, талаба-ёшлар орасидаги қизларимизнинг қўпчилиги ўқишни тугатмай кўп ҳолларда учинчи-тўртинчи курсда, айрим ҳолларда ундан ҳам кўйи босқичларда турмушга узатилмоқда. Натижада ота-оналар орзу-ҳавас йўлида билиб-билмай ўз жигарбандларини ҳаётнинг мураккаб синовларига ташлаб қўймоқда. Турмушга янги узатилган талаба қизнинг кун тартибига, унинг бажариши шарт бўлган вазифаларига бир назар ташлайлик. Биринчидан, у кундузги бўлим талабаси, шунинг учун унинг асосий вазифаси ҳар кунни дарсга қатнаб ўқув машғулотларида иштирок этиши. Бунинг учун у йўлга сарфлайдиган вақтини ҳам ҳисобга олганда камидан 7-8 соат керак бўлади. Ўқиш ҳам иш, иш бўлганда ҳам ҳар кунни берилган топшириқларни мустақил ўзлаштириш, курс ишлари ва лойиҳаларни ўз вақтида бажариш учун қатта ақлий меҳнат талаб қилинадиган жараён. Бунга ҳам ҳар кунни дарсдан ташқари камидан 3-4 соат вақт талаб қилинади. Танлаган соҳаси бўйича ҳақиқий мутахассис бўлиш ниятидаги талаба албатта кутубхона ва ахборот-ресурс марказига қатнаши, замонавий билим олишда интернет ёрдамидан самарали

фойдаланиши, ўзининг маънавий олами ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида янги газета ва журналлар билан танишиб бориши, бадий ва оммабоп китоблар мутолаасига вақт ажратиши зарур. Бу ишларга 1-2 соатдан вақт кетади, десак, талабанинг ўқиши учун зарур бўладиган кунлик вақт сарфи 13-14 соат эканига гувоҳ бўламиз. Бу ёшдаги йигит-қизлар суткасига 7-8 соат ухлаб дам олиши зарурлигини ҳисобга олсак, жами вақт сарфи 21-22 соатни ташкил қилади ва натижада қолган шахсий ишларига, турмуш ўртоғи, қайнота-қайноналар олдиданги келинлик вазифаларини адо этишига бор-йўғи 1-2 соат вақт қолади ҳолос. Бир йўлаб кўринг, бу қиска вақт давомида ёш келин ховли супириб ноунушта тайёрлайдими, турмуш ўртоғини ишга қузатадими? Тушлик ёки кечки овқат тадоригини қачон кўради? Қир ювчи, дазмол босиш ҳам шу вақт оралиғида амалга оширилиши керак.

Орзу-ҳавас билан фарзандини уйлаган қайнона қайси вақтда келинини ёнига олиб уни «кўз-кўз қилиш» мақсадида маҳалла, қариндош-уруғ ва дугоналарининг тадбирига боради? Юқоридан келинчакнинг олдидан турган вазифаларини санаб адо қилдик, десак хато қилган бўламиз, чунки бизнинг ўзбек она оилаларимизда бунинг саногии йўқ.

Суткадаги вақтни 24 соатдан ортиқ узайтиришининг эса иложи йўқ. Бу ҳол ёш келинчакнинг олдидан вақтни тежаш масаласи кўндаланг бўлиб қолишига олиб келади. Буни у аввало ухлаб дам олиш, дарсга қатнаш ва ўқув вазифаларини бажариш учун кетадиган вақтларни қисқартириш ҳисобига амалга ошира бошлайди. Чунки, юқоридан қайд қилиб ўтганимиздек она учун ажратилган вақт жуда оз бўлиб уни қисқартиришининг умуман иложи бўлмайди. Натижада талаба қизнинг дарсни ўзлаштириш кўрсаткичлари амалда пасайиб боради, дарсни кўп қолдиргани сабабли муаммолар пайдо бўлади. Бу ҳол унинг асабларига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди: у ўзини муаммолар гирдобидан ожиз қолаётгандай ҳис қила бошлайди, характеридан жижзақчилик, гап қайтариш, ҳаётдан норозилик аломатлари ниш уради. Бу жараён узок давом этса, унинг соғлиғига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Бир йўлаб кўрайлик, буларнинг ҳаммаси ёш келинчакнинг



ҳомилдорлик даврига тўғри келиб қолса нима бўлади?

Бу мақолаи ёзишга шу кунларда бўлиб ўтган воқеа ҳам туртки бўлди. Диплом ишига мен раҳбарлик қилаётган, ўқиш даврида фақат яхши ва ағло баҳоларга ўқиган талаба қиз бир неча ой олдин турмушга чиқди, шунинг учун диплом ишини бажариш чоғида бирмунча қийинчиликларга учради. Чунки янги келинчаклик вазифасини талаб даражасида ўташ, дипломнинг ҳисоб-китобларини бажариб, чизмаларини ўз қўли билан чизиб топшириш учун белгиланган вақт унга камлик қилиб қолди, ҳимояга зўрға улгурди. Бу даврда унинг ранги бироз сўлгин ва чеҳраси хомуш бўлиб қолди. Ундан бунинг сабабини сўраганимда, диплом ишини бажаришга кўп вақти кетгани, объектга ва институтга маслаҳат олишга кўп қатнагани сабабли янги рўзғордаги хизматларини бажаришга қийналгани, қарчаб айрим ишларни қўнғилдагидек бажара олмагани сабабли қайнона-келин орасида келишмовчилик келиб чиққанини кўзида ёш билан сўзлаб берди. У билан бирга келган турмуш ўртоғи икки ўт орасида қолганини ўз оғзи билан тан олди. Мен ёш-келин куёвга насихат қилиб, ҳар қандай ҳолда ҳам ота-онанинг ҳурматини жойига қўйишлари шартлигини айтиб қузатиб қўйдим. Диплом ҳимояси қўнғилдагидек ўтди, лекин унинг хорғин юзи хозиргача кўз олдимда гавдаланиб турибди. Мана, ота-оналарнинг шошқалоқлиги ўз жигарбандларини қай аҳволга солиб қўйган. Бу ҳол ёш оиланинг барбод бўлишига ҳам олиб келиши мумкин-ку!

Мақоламини хурматли ота-оналарга қарата қуйидаги чакриқ билан тугаллашни лозим топдим. Агар қизим бахтли бўлсин, у оиласида тинч-тотув ҳаёт кечирсин, десангиз ва улардан бир-биридан ширин, соғлом неваралар кўрай десангиз, ўқиётган қизингизни эрта турмушга берманг. Ўқишини битирсин, бу орада уни оила қуришга, қайнота-қайнонасининг ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг хизматини қилишга, турмуш ўртоғининг эрлик гурурини поймол қилмаслик йўлларини ўргатишга ҳаракат қилинг. Агар бунинг урдасидан қишқангиз, қизингиз «қари қиз» бўлиб ўтириб қолмайди. Қиска айтганда, тарбияли, ўқиган ва уққан дипломли қиз кўчада қолмайди, у албатта бахтли оила бекаси бўлади, бунинг унутманг!

Мухторали ТУРДИАЛИЕВ,
Фаргона политехника институтини
катта ўқитувчиси

«Хўжайлидавсув-маҳсуспудрат» давлат унитар корхонасининг кўп сонли жамоаси ернинг ҳар қаричини хазина деб билган ҳолда, уни асраб-авайлаб, доимий равишда боқиб, сийлаб, тўйинтириб боряпти. Ўз навбатида она замин ҳам бу сингари ғамхўрликка жавобан кузда ўз бисотидаги бор ноз-неъматларини тортиқ этмоқда.

ДЎСТЛИК ДЕСА,



ОҚ КЎКРАГИН ЭЗГУЛИККА ТЎЛДИРАР

Жаннатмонанд юртимизда кайнок ва кувнок ёз кезиб юрибди. Назаримда бу фарахбахш фасл худди эртақлардаги улкан ва баҳайбат девга ўхшаб сира-сира чарчаш нималигини билмайди, аксинча, мислсиз иссиғи ва харорати билан одамларни тинкаю мадорини қуритгани-қуритган. Шу боисдан кўпчилик бу паллада соя-салкин ва баҳово манзилларда бўлиб, мириқиб хордик чикаришини жон-дилдан истайди. Вақт номозшомга яқинлашиб қолган бўлишига қарамастан, саратоннинг оташ офтоби кўк юзида олов пурқаб турар, олис-олисларда уфқда ястаниб ётган тоғлар худди бошига оқ доқа рўмол ўраб қўйгандек хирамтир тусда кўзга ташланади. Қизилқумнинг учкети кўринмайдиган, адоқсиз кенгликларидан инсонни бир қараганда алдайди, ўз домига секин-аста тортадиган сароблар жимираганича жозибалдор ва гўзал аёл каби ўз кучоғига чорлагани-чорлаган.

Дарҳақиқат, бугун олис Қорақалпоғистон Республикасининг барча овул ва аймоқларида, кент ва маконларида гўзал ва фарахбахш ҳаёт Амудек қайнок ва сермавж бир тарзда давом этмоқда.

Қадимий Оролбўйда умргузаронлик қилиб келаётган элнинг кундузлари ҳам, туллари ҳам бунёдкорлик, меҳнат ва ором, жўшқинлик, кўтаринкилик оғушида! Булбуллар чаҳ-чаҳига тўлган оромикан тонглари худди Аму сингари доимо сергак, уйғок.

Азим дарёдек фарахли ва ҳаётсевар. «Илоҳим, абадул-абад бу мунавварликка сира-сира кўз тегмасин», дея дуога қўл очади кечки салқинда чорпоёга ёнбошлаган хўжайлилик ўрзобой оға.

Ҳа, йўл ёқасидаги бир-биридан шинам чойхона, ошхоналар, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи, ёнилғи қўйиш шо-

хобчалари ҳамда бошқа кўркам ва чиройли бинолар узукка кўздек мос тушган. Машинада кета туриб илғаманган эканман, Хўжайли эли эртақлардаги боғи эрамни эслатувчи гўзал ва кўркам маскан экан. Гўё она табиат бу гўшани яратишга яратган-у, суқ кўзлардан асраш учун атайин чўл ва тўқайзорларга яқин маконга яширган. Энг муҳими, шу олис сахрога яқин худудда меҳнат қилишни доимий одат қилиб олган қалби қайнок, ориятли ва захматкаш инсонлар кўрган кунига шукроналар айтиб умргузаронлик қилишади. Худди, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов бир шеърда зап тўлқиланиб, жўшиб тараннум этганидек:

*Меҳнат деса енг
шимарган полвондай,
Арвада тоғ келтир де,
келтирар.*

*Дўстлик деса,
юлдуз топиб олгандай,
Оқ кўкрагин эзгуликка
тўлдирад...*

Чиндан ҳам, гўзал ва дилбар сатрлар. Назаримда, шоир бу ашғори билан қорақалпоқ элининг ҳақиқий феъл-атворини тўлиқ очиб бергандай. Очиғи, бу элнинг одамлари шеърятни, куй-қўшиқни жони-дилдан ёқтиради, севади. Негаки, буларнинг бари инсонни яхшилик ва эзгуликлар томон олиб боради-ку. Шу боисдан ҳам ўтган йиллар ичида минтака кишлоқ хўжалигида туб ислохотлар, унинг замирида эса кескин юксалишлар содир бўлдики, унинг таъриф-таронасини баён этишга қалам ожиз. Бундай эзгу ҳаракатдан «Хўжайлидавсувмаҳсуспудрат» давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам четда қолаётгани йўқ. Жамоа ахли минтака худудидаги кўпгина ер майдонларининг захини, шўрини сизот сувлар балосидан аритмоқда. Натижада ҳавfli зардобдан халос бўлган ер эркин нафас ола бошлади. Худди, шифохонада обдан даво-ланиб, соғайиб қайтган инсонга ўхшаб.

КИМЛИГИМИЗНИ ЭЛ БЎЛСА БЎЛДИ

Инсоннинг кимлигини, унинг қандай ишларга қодирлигини, қандай фазилату хислатларга эгаллигини бир қарашдаёқ билиб олиш мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Бунинг йўли оп-осон. Назаримда, буни эл-улус, жамоада бирга ишлайдиганлардан аниқ ва зўр билдиган бўлмаса керак. Ҳар бир киши ҳаётга ўз касб-кор, амали нуқтан назаридан ёндашади. Корхона жамоасида бўлиб, бу фидойи инсонлар билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдим.

Хўжайли тумани халқининг кўпчилиги ушбу манзилда узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келаётган давлат унитар корхонаси ишчиларини яхши, яқиндан билишини оғзидан бол томиб айтишди. Улар сони олтмиш уч нафар.

Бу тиниб-тинчимас одамлар эртадан-кечгача чумолидек тинимсиз, ишлагани-ишлаган, ниҳоятда ўз юмушига, ишига садоқати баланд экан. Улар фарзандларидек яқин, бир кориндан тушган ака-укаларидек ардоқли, жонажон ерларидан сира-сира кўнгил узиб кетолмайдилар. Айниқса, бош муҳандис Нурхасим Курбонов, экскаватор ва бульдозер ҳайдовчилари Ермеқбой Раҳмонов, Заир Ешимбетов, Абатбой Қайназаров, Амангелди Сейдалиев, Пўлат Болтабоев, Муродбой Отамуродов, бош механик Эльдор Халмуротов, шунингдек, ҳуқуқий маслаҳатчи Адилбек Айтенов, кадрлар бўйича инспектор Перуза Қайпанова, етакчи мутахассис Шуқиржон Матназарова, бўлим бошлиғи Отабек Мусаев ҳамма-хаммасини, очик-ошқора орта қолдиришга бел боғлаётгани, бир дақиқаям ҳаракатдан қолмаётгани, сочи бир умр меҳнатда оқарган бўлсаям яна ва яна ўзини беҳад кўп машаққатларга ураётгани, тагин жавлон уриб тер тўккиси келаётгани қаттиқ хайратга солади кишини. Қизиғи, бу одамлар ном қозонишни истамайди, мактов

сўрамайди. Улар захини қочирган далалар қанча йиллар бадалига одамларни ризқ-рўз билан таъминлаб келаверади. Уларнинг қилган эзгу ишлари одамларнинг тилидан тушмасдан келаверади.

Қаҳрамонимиз ўз ишининг профессионали бўлиб танилган Ермеқбой Раҳмонов баланд овозда вазирилиқ билан, дона-дона қилиб гапиради. У кишининг алоҳида ургу бериб айтишича, бизнинг тенги йўқ умуминсоний анъаналаримиз дунёда бошқача руҳиятдаги мезонлар ҳисобланади. Жигар қонидан бунёд бўлган фарзандлари бахти, муваффақиятларини оиласи, ота-она, ака-укалари, яқинлари билан яхлит ҳолдагина тасаввур эта олади. Улардан аста-секинлик билан узоқлаша бориш қомилликка эмас, аксинча, кем-тикликка олиб боради.

– Ҳаётим давомида шунга амал қилиб, ҳеч ҳам кам бўлганим йўқ, – дейди **Ермеқбой оға**. – Менга бириктирилган қудратли экскаватор кўмағи билан қанчадан-қанча коллектор ва захматларни қазмадим, қанчасининг ичини қамиш ва балчиқдан тозаламадим дейсиз. Касбимга беҳад муҳаббатим туфайли бу юмушлар менга сира-сира қийинчилик туғдирмаган. Бунинг устига тоза ҳаво, муносиб шарт-шароит, ўзаро беллашув. Айни паллада ҳамкасблар билан минтақанинг Хўжайли, Шуманай, Қанлиқўл, Қўнғирот туманларига қарашли ҳамда бошқа худудларда белгиланган юмушларни адо этаётимиз. Бу гўшалардаги бир-бирдан гўзал табиат манзаралари кўнгилни ошуфта этмасдан қолмайди.

УФҚЛАРНИНГ ЗУМРАД КЎКСИН ЎПАР ПАХТАЗОР

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин
гуллайди,*

*Бир ўлкаки, қишларида
шивирлар баҳор.*

*Бир ўлкаки, сал кўрмаса,
қўёи соғинар...*

*Бир ўлкаки, гайратидан
асаби қақнар.*

*Бахт тошини қақиб,
бунда қуч сувиллайди...*

Радиодан чор атрофга таралаётган бу ёқимли қўшиқ ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Дилбар наво кўнгилларга ўт солади.

Бозор пештахталарида минг бир тусда товланиб, кўзни олаётган сархил мева ва сабзавотларнинг етиштирилишида оқ яқтакли, захматкаш бободехқонлар қаторида давлат унитар корхонаси жамоасининг ҳам сезиларли улуши бор, десак асло хато қилмаган бўламиз. Негаки, қалби ўзи тер тўқаятган далалар сингари кенг, ниятлари оқ бўлган бу камтарин инсонлар шаҳар аҳолиси дастурхони ҳамма-хаммунгўз тўқин-сочин ва сероб бўлишини ич-ичидан, астойдил иштади. Йўл ёқасидаги бепеён пахтазор кўм-қўқ денгиздек шовуллайди. Бу кенгликларда бошини соллана-соллана эгиб олган «оқ олтин» пишиб етилади. Ва яна бироздан кейин бу поёнсиз пайкаллар ичида пахта териш агрегатлари ҳамда теримчилар жавлон уришини ўйласанг, беихтиёр кўнгилгиз ёришиб кетади. Оҳиста эсаётган шамолда солланиб турган бўлиқ гўзалар кўнгилни ёриштиради. Бир пайкалда суғорини ишлари кетаётган бўлса, бошқа бир пайкалда эса гўзаларни кўсак қуртига қарши зарарсизлантириш ишлари олиб борилаётган экан.

Замин шифокорлари сардори, қуйди-пишди инсон Зафар оға Ибрагимов икканамиз Хўжайли туманини Қорақалпоғистон Республикасининг бошқисини саналган Нукус шаҳри билан узвий боғлаб турувчи Амударё устидаги улкан ва замонавий тарзда барпо этилган кўприк устида турибмиз. Бу ердан бутун кент ҳамда узоқ-узоқлардаги оқариб ётган кенгликлар бўй-басти билан, аниқ-тиник кўришни туради. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, кўлингиздаги бир пиёла зилол қатга сувликка тушган ой аксидек таассурот қолдиради. Ҳамроҳим ён-атрофга синқовлик билан тикилади. Камина эса уфқларга қадар тутатиб кетган поёнсиз узумзорларга, далалар қўйнида тўлғониб, илонизи бўлиб қичрайиб қолган бўлишига қарамастан тинч ва овоз оқаётган

ЮЛДУЗ ТОПИБ ОЛГАНДАЙ



дарёга қарайман. Кўнглимда қорақалпоқ халқининг «Хафа бўлсанг оқар сувни ёкала, халдан ошсанг мазорларни орала» деган ҳаётий, асрлар синовидан эсонмон ўтиб келадиган нақли жонланади. Рост, инсон умри боя эслатиб ўтганим Амударёдаги оқар сувдек ўткинчи эканига яна бир бора амин бўламан.

Бунни қаранг, Хўжайли яъни Хўжа эли ўзининг бекиёс гўзаллиги, меъморий жамоли билан бошқа шаҳарлардан тамомила ажралиб турар экан. Уни шорирлар «минтақанинг ёқут узуги яъни хўжалар умргузоронлик қилган эл» дея бекиёс хурмат билан таърифлашларича бор экан. Манзилда сўнгги йиллар бадалида оқар сув таъминотини яхшилаш борасидаги савобли ишлар кенг миқёсда қанот ёзгани, айниқса қувонарли.

– Падари бузрукворим доимо «Агар одамлар эътиборига тушмоқчи бўлсанг, ўзинг ўшалар орасида, ўшалардай яшаб кўр, уларнинг эътиқоди нимада-ю, эътиёжи нималарда эканини яхши илғаб оласан. Ва яна шу баробарда Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг «Одамлар гами бирла яша» деган насихатини сира-сира унутма, болам», деган гапни бот-бот такрорлашдан эринмасди, – дея гурунг беради «Хўжайли давсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси директори Зафар ИБРАГИМОВ.

– Очиғини айтсам, мана шу ўнгитта амал қилиб камлик кўрганам йўқ. Ҳаммага бир йўсинда олабий, илик муомала қилаётганим, қатгалар хизматини, кичикларга иззатини аямай келадиганим сабабли ишларим доимо олга силжияпти. Корхонамизнинг асосий фаолияти ирригация-мелиорация ишларини бекамў-кўст бажариш, коллектор, зовурлар ва каналлар қазииш, ерларни текислашга ихтисослашган. Очиғини айтганда, корхонамизда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун керакли ва зарур бино-иншоотлар, ишлаб чиқариш цехлари, транспорт ва техникалар, коммуникация тизимлари ҳамда ишчи кучи борасида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Аксинча, аъло ва сифатли ишлаш учун барча шароит яратилган. Ун битта турли русумдаги занжирли ва ғилдиракли экскаватор, бешта бульдозер, юк транспорт воситалари, техник ёрдам кўрсатиш машинаси, автосамовал, автокран, пайвандлаш агрегати, дала вагонлари, таъмирлаш цехи, омборхона мавжуд. Айниқса, зовур ва коллекторларни қазиишда экскаваторларнинг хизмати бекиёс бўлмоқда.

Одамларда янги ҳислат ва кайфият уйғотиб, хонадонни, маҳалласи, қишлоғини, ўз туғилган гўшасига меҳрмуҳаббат ҳосил қилиш мақсади билан эл орасида жуда ҳам кўп юради Зафар ака. Одамлар турмушини миридан-сиригача ўрганиб чиқадилар, ана шундан сўнг бошқа ҳаётий масалаларга боши билан «шўнғиб кетади».

ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

Ишчилар оқшомни ўтказган каттагина боғдаги чинорлар, аргувонлар, тиник осмон кўксига ханжар сингари санчилиб турган узун миззатерақлар чиндан ҳам гўзаллик тимсоли эди. У ердан ҳадеганда тонг элчилари бўлган чумчуқларнинг кий-чуви, чиркиллаши аримагандай эди. Сухбатдошим Низоматдин оғага айнан шу жойнинг ўзида саволлар ёмғирини ёғдирдим. У кишининг рақамларини чоғиштирунига қадар хотирага бошқа нарсалар тушди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

27 ноябрда «2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги муҳим қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор чиққандан кейин то шу кунга қадар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан узвий боғлиқ талай ишлар муваффақият билан адо этилди.

– Ернинг жонига мислсиз даражада азоб бериб келинган экан. Бунинг жабрини то ханузгача тортиб келмоқдамиз, – дейди «Хўжайли давсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси бош ҳисобчиси Низоматдин ЖУГИНИСОВ. – Ҳозирги кунда оммавий равишда бу хавфга қарши курашиляпти. Бундан жамоамиз ҳам четда эмас. Биргина 2018 йилнинг ўзида минтақанинг «Районний», «Амударё» ва «Кўлаб», «О.Коккозов», «Найман» сингари ҳудудларида 6 миллиард 105 миллион сўмлик иш бажарилди. Нагизжада, мазкур ҳудудлардаги ернинг ҳолати анча яхшиланиб, олинадиган ҳосил миқдори кескин ортди. Бу борадаги ишларни 2019 йилда ҳам изчил давом эттирялмиш. Шу мақсадда Шуманай туманидаги «О.Коккозов» хўжаликлараро коллектор тизими иккинчи босқичини таъмирлаш ва тиклаш, Хўжайли туманидаги «Районний» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш, «Амударё», «Кўлаб» Сув истеъмолчилари уюммаси ҳудудларида коллектор қуриш, Тахиятош туманидаги «Саройкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган Кенгаас каналини реконструкция қилиш, Хўжайли туманидаги «Асалтин» ва «Хайранли» Сув истеъмолчилари уюммаси ҳудудларида ва Кўнғирот туманидаги «Жана талаб» коллекторларини қуриш, Кегейли туманидаги «Аспантой» хўжалиги ҳудуддаги Амударё дамбаларини мустаҳкамлаш, Хўжайли туманидаги «Кўлаб» овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Хайранли» каналини реконструкция қилиш, Хўжайли туманидаги «Аму-

дарё Ҳатеп» каналини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ва иккинчи чораги давомида 5 миллиард 367 миллион сўмликдан ортиқ ишлар бажарилди. Корхонанинг ўз кучи билан ууддаланган ишлар 4 миллиард 366 миллион сўмдан зиёддир.

Айни кезда барча объектларда иш қизғин давом этмоқда. Яна бир гап. Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, бу ерда рўзғор учун зарур бўлган барча ўсимликларни етиштириш, паррандачиликни ривожлантириш ҳамда бетон заводи фаолиятини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Томорқасининг шўри чекиниб, еридан рисоладагидек ҳосил олиб рўзғорининг камқўстини тўлдирётган одамлар қувончи чексиз. Улар бу ишга бош қўшганларни чин дилдан алқамоқда. Ахир доно халқимиз бежиз, «Дуо ол, дуо олтин эмасми» демайди. Аслида бу хикматли ва мағзи тўқ гапда маъно кўп.

ҚАДРДОН МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

...Қорақалпоғистоннинг гўзал ва ораста кенту овуллари кезар эканман, бири узоқ тарихимиз, бири кегаги кунимиз, бири



бугунги кунимиз билан боғлиқ бир-бирдан қизикарли ва таъсирчан манзаралар тасаввуримда худди кино тасмасидек элас-элас ўта бошлади. Ана, самол хур-хур эсиб турадиган, шувок ҳамда бошқа чўл гиёҳларининг ёқимли хиди анкиб турадиган кум уюмларни ичида мард ва жасур Тўмарис Эрон шоҳи Қир II нинг танасидан жудо бўлган бошига тикилиб сўзлаётди... Шаҳд ва шиддат билан оқаётган Амударё яқинидаги Чиллик қалъа тепасида гўшти суягидан тозаланган инсон танасига қузғунлар галаси худди мўр-малахдай ёпирилмоқда... Суви куёшининг бетакор нурида жилваланаёт-

ган Орол денгизининг устида ўнлаб кемалар наъра тортиб манзили томон ошмади. Қушлар галаси денгиздан «ўз улушини» териб ёйиш учун шамолдек елмоқда... Эликкальа ҳудудидаги ўнлаб қалъаларда бекиниб ётган сипоҳлар навбатдаги жангга тантанали тарзда йўл олмақда...

Гапнинг бўларини айтганда, тарихи ва маданияти, урф-одатлари ўзига хос бўлган қорақалпоқ эли ўн саккиз ёшли сулув келинчакдек кундан-кун яшаб, очилиб бораётди. Ўтган вақт давомида «Хўжайли давсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси азаматларининг, яъни «Замин шифокорлари»нинг саъй-ҳаракатлари эвазига минтақада қуриб битказилган қатор коллектор ва каналлар ана шу келинчакнинг қоқ белида тўлғониб ётган икки ўрим сим-сиёҳ сочига жуда-жуда ўхшаб кетади. Йўл ёқаларидаги хафсала ва дид билан барпо этилган ариқчалар, турфа гулу-чечаклар қулф уриб очилиб, ҳид таратиб турган манзиллар, дов-дарактларга обдан бурканган йўлак-йўлқалар боя таърифлаб ўтган чилвер сочимизнинг «қурбонлари» – безаклари десак ҳечам янглишмаган бўлаемиз. Қолаверса, воҳанинг бир-бирдан мухташам бинолари, гўзал, саҳий-саҳоватли, дангал одамлари эса унданда гўзал.

Бир учи кент уфқларга қадар чўзилиб кетган поёнсиз дала-

ларга, мунаввар ерларга тўйиб-тўйиб термулишга, бутун кўксини тўлагиб тўйиб-тўйиб хидлаб олишга, унинг иссиқ ва қайноқ бағрида бир муддат кўз юмиб туришга нима етсин. Шунда бундай ёркин манзараларни бир умр нигоҳларимга, қароқларимга қизиб олган бўламан. Уларнинг ёди менга чексиз ва мислсиз куч-қувват ато этади. Бундай туйғу айниқса, «Хўжайли давсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси ишчилари билан хайрлашиб қайтаётганимда яққол сезилиб турди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Реклама ўрнида

ҚАЛБ ЖАРОҲАТИ

Савдо-сотик гуллаб-яшнаган шаҳарда бир амалдор яшаганди. Кунларнинг бирида у бозор майдонидан ўтиб бораётганида, қандайдир нотаниш жулдор кийимли киши ёнига яқинлашиб, ҳақоратли сўзларни айтиб бакира бошлади ва юзига тупурғач, қаёққадир чопиб кетди. Бу шармандаликни кўтара олмаган амалдор хасталаниб ётиб қолди.

Ахвол шу тарзда давом этса, у ўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Аммо дўстлари уни қалб жароҳатларини ҳам даволай олиш маҳорати билан танилган табиб ҳузурига боришга кўндиришди. Амалдор борғач, табиб унга бешта дори берди ва ҳар кеча аниқ бир вақтда уйғониб, улардан бирини ичишни буюрди.

Коронга тушди. Амалдор тунда уйғониб биринчи дорини ичди. Уйкуга ётгач, у тушида ўша бозор ва қаршисига келиб юзига тупурган жулдор кийимли кишини кўрди. Чидаб бўлмас даражадаги бу таҳқирлаш ва уятдан бемор ғоят каттик инграб юборди ҳамда уйғониб кетди.

Кейинги тунда у иккинчи дорини қабул қилди ва айнан ўша тушни кўрди. Бирок бу сафар унинг қалби шармандалик ўрнига юракни музлатиб юборувчи кўркувни ҳис қилди. Учинчи кечада ҳам бемор худди ўша тушни кўрди, аммо энди уялиш ва кўркувни эмас, балки чуқур қайғунини ҳис этди. Амалдор бу ҳолатдан ажабланиб, аммо табиб кўрсатмаларини охиригача бажаришга қарор қилди ва кейинги тунда тўртинчи дорини ичди. Албатта у яна ўша тушни кўрди, бироқ бу туш олдинги тунлардагидек оғрикли бўлмади, амалдор фақат енгил хайратингина ҳис этди. Бешинчи тунда эса амалдор кутилмаганда қалбиди қувонч пайдо бўлганини сездди. Нима деб ўйлашни ҳам билмаган бемор дарҳол ўрнидан туриб, маслаҳат сўраш ва янги дори олиш учун табиб ҳузурига йўл олди.

— Дориларимни қабул қилгач, нимани ҳис этдингиз? — сўради табиб.

— Ҳар кеча бир хил — ўша нотаниш киши юзимга тупурганини тушимда кўрдим, — деди амалдор.



— Аммо ҳар бир тушим менда янги туйғулар уйғотди. Мен гоҳ шармандаликни, гоҳ кўркувни, гоҳ ғам-қайғу, гоҳида эса хайратни бошдан кечирдим. Бирок охиригача кечада қалбимда қувонч уйғонди ва бу туйғу мени ҳали ҳам тарк этгани йўқ. Ҳозир эса мен довдираб қолдим — аслида ўша вазиятда нимани ҳис қилишим кераклигини ҳам била олмаяман...

Амалдорнинг бу гапини эшитиб, табиб изох берди:

— Нима юз беришидан қатъи назар, бу воқеага ўзингиз қандай қараш керак деб ҳисобласангиз, шундай муносабатда бўлинг. Ахир ҳар қандай ҳолатда ҳам қайғуга ботишингиз ёки хурсанд бўлишингиз ўз танловингизга боғлиқ. Юзингизга тупурганларига келсак, ўзини ақлли деб билган одам бу нарсага шунчаки эътибор бермай қўя қоларди. Айниқса, сизни хафа қилган киши ақлдан озган бир тентак бўлса... унинг тупуги бирдан кўтарилиб, кўзингизга чанг тўлдирган шамолнинг таҳқирлашидан ортик эмас...

Русчадан Мухаббат Шарифова таржимаси
ziyo.uz

ПАЗАНДАЛИК

ТОВУҚЛИ ДИМЛАМА

Керакли масалликлар:

Ярим килограмм товуқ
гўшти, ярим килограмм пиёз,
200 миллилитр ёғ ва туз.



Тайёрланиши:

Товуқ гўштини майда бўлақларга бўлиб, тузлаб оламиз.

Қозонга озроқ ёғ солиб, баланд оловда товуқ бўлақларини яхшилаб сели чиқиб кизаргунча қовурамиз. Сўнг копқоғини ёпиб, ўртадан пастроқ оловда суви чиққунча (тахминан 10-15 дақиқа) димлаб қўямиз.

Суви батамом кетгач, 3-4

дона тўғралган пиёз қўшиб, аралаштириб, яна 10-15 дақиқа пиёзнинг сели чиқиб, пишгунча димлаб қўямиз.

Бу таом пишишидан олдин унга турли зирavorлар ҳамда кўкатлар қўшилса, янада хуштам бўлади. Уни пишириш кўп вақт ва ҳаракат талаб қилмаслиги билан ҳам уй бекалари учун қулайдир. Ёқимли иштаха.



«Фермерлар учун семинар»

Махмуджон ЭШОНҚУЛОВ
чизган сурат.

ЖАВОҲИР

Равшан ФАЙЗ

МЕН ЕТГАН ҲАҚИҚАТ



Қай кун чиқиб кетдинг шамолдай шоша,
Издадим билмасдан тиним нима ул.
Қидирдим қишлоқлар, шаҳарлар оша,
Лекин ҳеч кўриниш бермадинг шу-шу.

Кўқларга учдингми, кирдингми ерга,
Сени тополмадим — бу дунё қат-қат.
Чарчаган чоғимда суяндим шеърга,
Сўнг сени изламай қўйдим, ҳақиқат.

Ва шунда мен сенга етдим бирдан
Туғади илондай эшилган йўлим:
Англадим, минг бора узанган билан
Барибир фалакка етмайди қўлим.

ИНТЕЛЛЕКТ

Қандай қуш?

Бу қушлар фақат ўзларидан кичик жуссали жонзотларга ҳужум қила олади. Лекин уларнинг бир тепкиси от тепкисидан ҳам қаттиқроқ зарба экани аниқланган.

Диққат савол: Бу қандай қуш?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни саат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 11 июль 28-сонида берилган саволнинг жавоби:

Илоҳий ишк. «Фузулий шеърятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам, уларни жозибали ва севимли қилган ҳам — барча-барчаси илоҳий ишк», — деб ёзган олим Эргаш Очилов.

ТАБАССУМ

Уддабурон

Дала ўқув машғулотларига чиққан командир аскарда топириқ берибди:

— Мен бирпас дам оламан. Уйгонганимда дастурхонда қуён гўшитидан қайноққина шўрва бўлсин, тушунарлими?

— Худди шундай, ўртоқ командир, — дебди аскар.

Орадан бироз вақт ўтгач, командир стол устида буюрган овқати тайёр турганини кўриб, ҳайрон қолибди.

— Шунча қисқа вақт ичида қуён туттига қандай улгурдинг? — деб сўрабди аскардан.

— Муаммо бўлмади, ўртоқ командир. Атрофга қарасам, аллақандай қуён юзуриб юрибди. Милтигини кўтариб, ўқ отдим. Бечора «миёв» дейишга ҳам улгурмади, — дебди аскар ҳозиржавоблик билан.

OILA
DAVRASIDA
Itijimoliy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Курунбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Курунов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-йў.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Набатчи — Ф. Бобоқонов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: Г-737 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193

Алали: 2930 нуسخа. Нархи: келинув асосида.

Кўзгачи А-3, ҳафта 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00



123 6